

## **ФАН-ТАЪЛИМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ОМИЛЛАРИ.**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10027704>

**Аминова Нурхон Бобомуродовна**

*Низомий номидаги ТДПУ ижтимоий фанлар кафедраси в.б.доценти фалсафа  
фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)*

### **Аннотация**

Мақолада фан ишлаб чиқариши улар ўртасидаги алоқадорликнинг омиллари, янги технологиялар асосида таълим сифатини ошириши, ўқув жараёнида интеграция қилиши муҳимлиги, ўқув ва илмий ишларнинг тарбия ва амалиёт билан ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги ҳақида фикр юритилади.

### **Калит сўзлар**

Фан, таълим, ишлаб чиқариши, ижтимоий амалиёт, интеграция, сунъий тил, ижтимоий тараққиёт, миллий ментал тафаккур, Шарқона қадриялар.

Фан, таълим, ишлаб чиқариш улар ўртасидаги алоқадорлик ижтимоий тараққиётни энг асосий бўғини саналади. Зоро фан, таълим ишлаб чиқаришни ривожлантирумасдан тараққиётга эришиб бўлмайди.

Фан мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида, инсон фаолиятининг маҳсус ўналишидир. Фан тараққий этса бизни ўраб турган моддий олам ва унинг қонуниятлари тўғрисида билимлар янада умумлашади. Фаннинг пайдо бўлиши шаклланиши ва тараққиёти ижтимоий амалиёт билан алоқадорликда. Моддий ҳамда маънавий ишлаб чиқариш ва амалиёт эҳтиёжлари фаннинг табиий, техник, ижтимоий гуманитар соҳаларига бўлинишини тақозо этади.

Ҳар бир тарихий даврда фаннинг ижтимоий вазифалари ривожланиб боради. Бугунги кунда глобал муаммоларни ҳал қилишда ҳам фаннинг аҳамияти кучайиб, ижтимоий кучга айланмоқда.

Маълумки, фан олам ҳодисаларини одий содда мушоҳада қилишдан иборат эмас, дунёда бўлаётган ўзгаришларни олдиндан башпорат қилиш улардан инсон манфаати йўлида фойдаланишдир.

Бугунги кун фанининг йўналишига хос бўлган тенденция интеграция жараёнидир. Турли хилдаги фанларнинг алоқадорлиги натижасида муайян янги фанларнинг пайдо бўлиши ҳамда тармоқларга бўлиниши илмий

билишнинг бир неча соҳаларига хосдир. Фаннинг тадқиқот объектлари мураккаб ҳодисалар бўлиб, уларни кундалик билишда қўлланиладиган воситалар билан ўрганиб бўлмайди.

Глобаллашув даврида ноосфера чегараси космик олам ва ернинг жуда чуқур қаърига томон кенгайиб бормоқда.

Фанда кундалик амалиёт доирасига кирмайдиган объектлар ҳам ўрганилади. Фан тили мураккаб бўлиб, сунъий тил деб аталади. Сунъий тиллар кундан-кунга ривожланиб янги-янги фан соҳаларини вужудга келтироқда. Масалан, математика символика, ментал математика, компьютер тили. Ҳар бир фан ўз соҳасини ифодалайдиган тушунча ва таърифлардан қонунлардан фойдаланади. Маълум қонуният ва назарияларга таяниб, номаълум соҳаларга кириб боради.<sup>86</sup>

Ижтимоий-гуманитар фанлар табиий ва техник фанлардан фарқ қилиб, инсон ва инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаёт масалаларини таҳлил қиласди. Биз яшаётган ҳозирги давр инсоният тарихининг янги бурилиш палласини ташкил қиласди.

Ҳаётимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри тушуниб олиш уларга илмий муносабатда бўлиб тўғри хулосалар чиқариш учун ҳар бир талаба аввало маълум даражада назарий тафаккурга эга бўлиши лозим. Бундай қобилият умумбашарий, фалсафий фикрларни ўрганиш орқали шаклланади, аксинча бўладиган бўлса, яъни, фаннинг умуминсоний жиҳатларини менсимаслик, инкор этиш жамият тараққиётини секинлашувига олиб келади.

Зеро, тараққиёт, айниқса фаннинг ривожланиши ва методологияси бир хилликни эмас, балки хилма-хилликни, ранг-барангликни тақозо этади. Умуминсоний илмий ютуқларни танқидий-ижодий ўрганиш илмий фалсафий дунёқарашни ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Айниқса бугунги кунда тараққиётнинг шиддат билан тезлашуви, рақамлаштириш жараёнининг кундан-кунга янгиланиб бориши, ҳар бир соҳа вазифаларини мунтазам равишда кенгайиб боришни тақозо этмоқда.

Янги технологиялар асосида таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнида интеграция қилиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Фан, таълим ва амалиёт бир-бирига узвий боғлиқ ва бир-бирини тақоза қиласди инсонларнинг ижтимоий фаолиятлари тўғри йўналтиришида муҳим роль ўйнайди. Фан ва таълимнинг ўзига хос томонлари у ёки бу жамиятнинг

<sup>86</sup> Аминова Нурхон Бобомуродовна Мустақил Ўзбекистон ижтимоий тараққиётida маънавиятнинг ўрни. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.2019.

ривожланиш даражалари, хукмрон дунёқараашлар, ижтимоий ҳаётни бошқариш йўсинглари билан боғлиқ бўлган тизимлар билан белгиланади.

Ижтимоий онг шаклларидан бири бўлган мифология мураккаб тафаккур тарзига ўтиш бўсағасидаги илк босқич сифатида:муайян аҳамиятга эга бўлган. Чунки, дунё мифологик образлар воситасида тасаввур қилинган, дунё табиий муҳит билан идрок этилган, ибтидоий одам учун мифнинг мазмуни реал моҳият касб этган. Шу маънода, тотемизм, фетишизм, анимизм ва шомонизм каби кўплаб шакллардаги эътиқодий ишончлар, турли-туман маросимлар ҳам дастлабки маданиятнинг таркибий қисмлари сирасига киради. Муҳими, у инсонинг абстракт тафаккур ҳамда бадиий фантазиясини шакллантириди. Миллий тафаккурни ривожлантириди. Бемалол айтиш мумкинки, қадимий асотирлар бизнинг давримизда ҳам, миллий ўзликни англаш, аждодларимизнинг дунёни тушуниш тарзини идрок этиш воситасидир. Ривожланиш давом этиши билан космогониядан натурфилософия ўсиб чиқди. Ўрта асрларда Шарқ ва Марказий Осиё олимлари фан ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Улар қадимги илмий асарларни сақлаш, таржима қилиш ва уларни тарқатиш масаласига эътибор бердилар.

Ўзининг мавжудлиги, намоён бўлиши жиҳатидан мураккаб бўлган фан ва таълимнинг тараққиёти масаласини у ёки бу йўналишда деярли барча ижтимоий табиий фанлар ўрганади. Шунингдек, бу жараён муҳим аҳамиятга молик бўлгани учун ҳам, ижтимоий-фанларда, алоҳида аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади.

“Фан орқали инсон ўз-ўзини англашни жамиятнинг тараққиёт қонунларини ўрганади. Амалиётда муаммоларни ҳал қилишда аскотадиган усул ва воситалардан фойдаланиш малакасига эга бўлади.”<sup>87</sup>

«Фанни билмайдиган одам медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъий назар ҳаётнинг ўз касбининг маъноМазмунини яхши тушунмайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хуносалар чиқара олиши керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор. Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиш ер юзидағи турли ҳалқлар ва миллатлар дунёқараши, ғояси маслак муддаоларини билиш учун ҳам фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор. Бир сўз билан

<sup>87</sup> Фалсафа қисқача изоҳли луғат.-Тошкент: Шарқ,2004.—156 6

айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш-давр талаби. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва мухолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим».-дека таъкидлаган, ёш авлоднинг тафаккури теран дунёқарашнинг кенг бўлиши муҳимлигига эътибор қаралар эди.

Фан таълим ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятларни демократик асосда ташкил қилиш, ривожлантириш борасида биринчи навбатда ота-боболаримиздан қолган тарихий меросларга, уларни авайлаб-асрашга, қайта тиклаш тамойилларига асосланамиз. Аждодларимиз ўзларининг фан ва маданиятнинг турли соҳаларига дахлдор нодир асарлари, фикр-мулоҳазалари билан ҳануз жаҳон илм-фани ривожига самарали таъсир этишмоқда. Зоро, бобокалонларимиздан жуда катта илмий ва адабий мерос қолган. Улуғ миллатлардан биримизки, ёш авлод бу билан фахрланиши, айни чоғда уларнинг анъаналарини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишни ўзларининг ватанпарварлик бурчи деб англашлари лозим. Фақат ўтмиш билан мақтаниб ёки келажак ҳақидаги орзулар билан ўралашиб қолмасдан, ота-боболаримиз бизга қолдирган маънавий мерос, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларнинг фан фидойиси сифатидаги фазилатларидан ибрат олиш зиммамиздаги масъулият ва бурчимиздир. Шуни таъкидлаш ўринлики, айрим Farb мамлакатлари онгида Мусулмон мамлакати фуқароси бўлиш гўёки «қолоқлик» ифодасидир қабилидаги ғайриилмий талқинлар ҳеч қандай мантиқий асосга эга эмаслигини англаш жуда муҳимдир. Шарқнинг минг йиллик фалсафаси, ўз вақтида ислом қадриятлари тараққиёт учун бебаҳо ҳисса қўшганидан кўз юмиб бўлмайди. Айни чоғда, ислом ақидапарстлиги ғояларига эргашиш ҳоллари кузатилган даврларда ёхуд моддий манфаатпастликка ружу қўйилиб, миллий маданият ва маърифатнинг етарлича эътибор топмаган, марказлашган давлатчилик парокандаликка учраб, улуғвор мақсадлардан йироқлашилган ислом тарқалган кўпгина мамлакатларда турғунлик ҳолати рўй берганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бинобарин, мафкуравий бўшлиқ, асоратларини бартараф этиш учун астойдил ҳаракат қилишга тўғри келади. Чунки ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган озод шахс шаклланишини фан ва таълимга эътиборсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Энг муҳими, бу борада, фан ва таълим ҳар бир фуқарода ўз кучи ва имкониятларига ишониши билан боғлиқ фикр-қарашлар ва туйғуларни шакллантириши ва бундай куч ва имкониятларни янада ривожлантириш учун хизмат қилишини назарда тутиш лозим. Ёш

авлодга озод ва обод Ватан,эрки ва фаровон ҳаётни мерос қилиб қолдириш ниятида эканмиз, улар аждодларимизнинг улуғ ишларини давом эттиришлари ҳамда маънавий уйғоқ, руҳан соғлом бўлишлари мухимдир. Зотан, Ҳалқнинг келажак авлод тарбиясини умумий руҳи ва маънавий эҳтиёжини назарда тутган ҳолда янада кучайтириш учун оммавий ахборот воситаларидан тортиб, ижтимоий фанлар соҳасидаги тарбиявий дастурларнинг оммавийлашуви ва ёшлар қалбига сингиб боришига эришмоқ лозим.

Жамият ривожланишида фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг энг асосий вазифаси шундаки, инсонийлик, ва яратувчилик фаолиятларига янги импульс бериб, мамлакат янада ривожланиши учун хизмат қилади. Шахс тафаккурини муайян йўналишда шакллантиради, бойитади ва кенгайтиради. Жамият тараққиёти учун зарур ва мухим бўлган моддий ва маънавий асосларни барпо қилади. Демак, фан ва таълимнинг энг мухим вазифалари, жамият тараққиёти учун энг аҳамиятли томонларидан бири ҳам унинг ишлаб чиқариш билан узвий боғликлигига намоён бўлади. Биз Ғарбий Оврупонинг ривожланган мамлакатларидан давлатни, иқтисодни бошқариш, техникани ривожлантириш, маданий ҳаёт (турмуш қулайликларини) яратиш, таълим тизимини ИТИ талабларига монанд тарзда шакллантириш каби соҳаларда қўп ижобий нарсаларни ўрганяпмиз ва бу жараён давом этиши табиий ҳол албатта. Бироқ, бу асло ҳамма масалаларда Ғарбга тақлид қилиш ва унга қўр-қўрона эргашиш,--деган маънони англатмаслиги керак. Жумладан, миллий-ментал тафаккур ахлоқий-маданий қадриятлар, адабий меросларимизни, маънавиятимиздаги минг йиллик тажрибаларни етарлича инобатга олмай Ғарбона тафаккур ва ҳаёт тарзини қўр-қўрона қабул қилиш мумкин эмас.

Албатта, Ғарбдаги илм-фан ютуқларини ўрганиш, замонавий технологияларни ўзлаштириш ҳар қандай давлат тараққиёти учун зарур. Аммо, бу жараёнда мамлакатнинг азалий қадриятлари, маънавияти, ривожланиш даражаси каби фактларни албатта хисобга олиш зарур. Акс ҳолда бегона қадриятларни қўр-қўрона ўзлаштиришга ҳаракат қилиш бир муаммоларни ҳам келтириб чиқаришидан кўз юмиб бўлмайди.

Шарқона қадриятларда икки нарса ғоят улуғланади: каттага хурмат-кичикка иззат. Шу икки хусусият асосий ижтимоий тамойил бўлсагина мухит соғломлашади. Унутмаслик керакки, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади. Катталарга давринг ўтди демаслик билан бирга, ёшларнинг йўлини ҳам тўсмаслик керак. Ана шундагина ўсиш, ривожланиш тезлашади. Фан ахлига,

зиёлиларга самарали ишлаш учун зарур шарт-шароит яратиб бериш давлатнинг бурчидир. Баъзан биттагина янги илмий қашфиёт мамлакатни дунёга машхур қилиши мумкин. Фундаментал фанларга алоҳида эътибор бериш билан бирга, ижтимоий-гуманитар фанлар равнақи учун кураш жараёнида миллий мафкуранинг таъсирчанлигини янада ошириш муҳим. Малакали кадрлари кўп бўлган мамлакатнинг келажаги порлоқ бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Шубҳасиз, бу фанлар ўзининг улкан самарасини кейинроқ беради. Шу боис, улар одамдан алоҳида салоҳият, истеъдот, ва сабр-тоқат талаб қиласди.

Албатта, ҳозирги даврда ўқиш-ўрганиш мактабгача, умумтаълим ҳамда олий ва ўрта-маҳсус таълим тугаб, якунига етмайди. Ҳаёт, тараққиёт бор экан, мавжуд вазиятнинг ўзи инсондан бир умр ўқиб-ўрганишни, ўз устида мунтазам ишлаш, билим ва тажрибасини муттасил ошириб боришни тақозо қиласди. Бошқача айтганда, ҳадиси шарифда таъкидлаганидек бешикдан боштаниб, то қабргача ўқиб-ўрганиш жараёни тўхтамайди. Шу маънода, олий таълимни кадрлар тайёрлашнинг сўнгти ва юқори босқичи дейиши ҳам шартли, албатта. Лекин инсон олий таълим орқали бирон-бир касбнинг умумий йўналиши, назарий ва амалий муаммоларини пухта биладиган етук кадр бўлиб етишади, ижтимоий ҳаётнинг аниқ бир соҳасига ихтисослашади ва шу бўйича амалиётга йўлланма олади. Бинобарин, ҳар қайси мутахассис ишлаб чиқариш ва тажриба жараёнида камол топади. Баркамол инсон тарбиясида у яшаётган кичик ва катта социал мухитнинг таъсири бўлади. Бу мухитлар соғлом бўлса, носоғлом йўлни танлаб олган шахслар ҳам ўз амалиётларини ўнглаб олишга мажбур бўладилар. Мабодо, кичик ва катта мухитнинг ўзида носоғломлик майли (тенденцияси) етакчи бўлса, у ҳолда соғлом тарбия кўрган инсонлар ҳам шундай мухитга мослашишга мажбур бўлишлари мумкин. Имон-эътиқоди мустаҳкам инсон ўша носоғлом мухитта ҳам ижобий таъсирини ўтказиши, унда соғлом муносабатлар шаклланишига муносиб ҳисса қўшиши мумкинлиги тарихдан маълум.

Ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг самарасини сўз ва иш бирлиги белгилайди. Ёшлилар мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида олийжаноб мақсадларимизни реал воқеликка айлантира оладиган шахслар бўлиб етишишлари зарур. Улар ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлишлари шарт.. Республикализ Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча

кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади».<sup>88</sup> бундай шарт шароитларни ҳосил қилиш учун эса тарғибот ташвиқотларни умумхалқнинг эзгу ишларига айлантиришни мақсад қилишимиз керак.

Инсон фарзанди аввало таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида тўпланган ижтимоий тажриба ва қадриятларни изчил тарзда ўзлаштириб боради. Иккинчидан, таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ижтимоий институтлар харакати туфайли гоявий тарбия жараёнида тадрижийлик таъминланади. Натижада, инсоннинг билим, тажриба ва малакаси бойиб боради. Учинчидан, гоявий билимлар таълим жараёнининг ўзида бевосита ва тўғридан-тўғри, айрим ҳолларда онлайн тизими орқали ҳам ўзлаштирилади.

Фан таълим ва ишлаб чиқариш алоқадорликда жамият тараққиётининг муҳим стратегик йўналиши саналади. Иккинчи томондан, таълим-тарбиянинг бу босқичи илмий-фалсафий дунёқараш шакланиши ва онгли равишда ўз-ўзини тарбиялаш даври ҳамдир. Шу сабабдан олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини тўғри йўлга қўйиш айни муаммога тизимли ёндашувни талаб қиласди. Демак, фан,таълим ва ишлаб чиқариш жараёни талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик малакасини эгаллаши билан ягона шаклда намоён бўлади. Ўқув ва илмий ишларнинг тарбия ва амалиёт билан ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги бўлғуси мутахассисларни тайёрловчи профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий-касбий омилкорлигини белгиловчи фазилат, илмий-тарбиявий мўлжалларининг бир бутунилиги ва яхлитлиги билан белгиланади.

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2018 йил 29 декабрь № 156 (4129). 2 бет.